Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan | «Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri | www.turkiston.uz | 2014-yil 4-iyun, chorshanba № 44 (15786)

*Kun voqeasiga nigoh*

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАКАМЛАР ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛ ОЛДИ

***«Ўзбекистон ифтихори», таниқли футбол ҳаками, ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов жаҳон чемпионати ўйинларини бошқариш учун Бразилияга йўл олди.***

Бу мусобақа — оддий мусобақа эмас. Унда оддий спортчилар эмас, ўз Ватани, халқининг ғурури, миллатининг юзи бўлган эр йигитлар майдонга чиқади.

2010 йил. Жанубий Африка Республикаси. Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилиш учрашуви. Ўйинни ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқариб борди.

Ўзбек ўғлони ўшанда бутун дунёга ўз юрти, халқининг юксак салоҳиятини намоён этди. Юртбошининг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч қачон кам бўлмаймиз ҳам!» деган ғурур тўла, юрт фарзандларини олға бошлайдиган, қалбидаги ватанпарварлик туйғусини оширадиган даъваткор сўзларига муносиб тарзда, миллион эмас, миллиардлаб нигоҳлар қаршисида масъулиятли беллашувни одилона бошқарди. Ҳа, бу ғоятда масъулиятли вазифа эди. Шунчаки йигирма икки нафар спортчининг ҳаракатини диққат билан кузатиш, уларга ҳакамлик қилиш эмас, унинг вазифаси футбол ривожига ҳисса қўшиш, инсонларнинг спортга муҳаббатини ошириш, қолаверса, бутун спорт оламида холислик, ҳалоллик ва тўғрилик тамойилларининг мустаҳкамлигига ҳисса қўшиш эди. Ўттиз икки ёшли ўзбекистонлик рефери буни уддалади! Жаҳон футболининг раҳбарлари Равшан Эрматовга нуфузли турнирнинг бешта учрашувини ишониб топширди.

Орадан тўрт йил ўтди. Бу орада ҳамюртимиз кўплаб йирик мусобақаларда ҳакамлик қилди. Тажрибасини ошириб борди. Фақат олдинга, олдинга интилди. Ўзи эришган даража билан кифояланиб қолгани йўқ, ўқишдан тўхтамади, мунтазам ўз устида ишлади. Унинг ютуғи шундаки, у ҳакамликка хос қаттиққўллик, қатъиятлиликни инсонни тушуниш, унинг кўнглига йўл топа олиш санъати билан уйғунлаштира олди. ФИФА қўйган талабларни бажариш, унинг ишончига муносиб эканини исботлаш учун тинимсиз меҳнат қилди. Равшан Эрматовдаги ортга чекинмаслик, ҳар қандай мушкул, синовли вазиятларда ҳам ўзини қўлга олиб, тўғри қарор қабул қилиш, илм ўрганишдан тўхтаб қолмаслик фазилатлари биз, ёшлар учун ўрнакдир.

Бразилия сари йўл олган Равшан Эрматов бригадасида яна бир ватандошимиз, қанот ҳаками Абдуҳамидулло Расулов ҳам бор.

Умид қиламиз, ишонамиз, юртдошларимиз жаҳон чемпионатида ўзларига юклатилган вазифани шараф билан бажаришади. Чунки уларнинг ортида кўз тикиб турган буюк халқ бор, улуғ миллат бор, Юртбошимиз бор, улкан мамлакат бор, мухлислари — биз, ёшлар бормиз!

**Элмурод НИШОНОВ,**
**«Turkiston» мухбири**




ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган суратлар

*«Barkamol avlod — 2014»*

## НАВҚИРОНЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА БИРДАМЛИК ТАНТАНАСИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб юртимизда ёшларнинг камолоти, уларнинг ҳар томонлама етук, билимли ва салоҳиятли шахслар бўлиб камол топиши, бу борада энг зарур чора-тадбирларни амалга ошириш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралди. 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари, юртимизда ҳар бир йилнинг ўзига хос ном билан аталиб, унга монанд эзгу ишларни амалга ошириш учун қабул қилинган Давлат дастурлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар — буларнинг бари мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам ана шу хайрли чора-тадбирларнинг узвий давоми бўлди.

«Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» доирасида уюшқоқлик билан ташкил этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари қувончу ҳаяжонларга бой бўлди. Наманган шаҳри уч кун давомида ёшлик, камолот ва спорт байрамига мезбонлик қилди.

**(Давоми 4—5-саҳифаларда)**

# Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Бекобод шаҳрида «Биз, ёшлар, саломатлик тарафдоримиз!» мавзуида мини-сессия ташкил этилди.**

Унда соҳа мутахассислари ўқувчи-ёшларга соғлом турмуш тарзининг афзалликлари, ҳаётимизнинг глобал мавзуларидан бирига айланган ОИВ/ОИТС касаллиги ва кашандаликнинг инсон организмига жиддий таъсири, унинг оқибатларини тушунтириб ўтишди. Ёшлар ҳам саволларига жавоб олишди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

**Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» истироҳат боғида «Болаларга беринг дунёни!» шиори остида хайрия концерти бўлиб ўтди.**

Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилган ушбу хайрия концерти 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди. Тадбирда Самарқанд шаҳридаги 6-,10-,11-меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда 64-тарбияси оғир болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари, имконияти чекланган ўқувчилар иштирок этди. Тадбир доирасида истироҳат боғидаги барча аттракцион ўйинлар болалар хизматида бўлди. Улар учун «Баркамол авлод» болалар маркази ва болалар мусиқа ва санъат мактабининг ёш ижрочилари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

**Андижон шаҳрида «Барча шодлик сенга бўлсин, болажон» шиори остида тадбир ўтказилди.**

Ушбу тадбир 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Андижон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маънавият тарғибот маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Андижон шаҳридаги имконияти чекланган, ногирон, кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирок этди. Байрам тадбири сўнгида иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан байрам совғалари топширилди.

«Bunyodkor — 2014»

# МАВСУМ МЕҲНАТ БИЛАН ЯНАДА МАЗМУНЛИ



***Талабаларнинг ёзги таътил вақтига ҳам саноқли кунлар қолди. Ушбу таътилда кўпчилик талабалар ота-онасига кўмаклашади, айримлари тоғ-ёнбағирларида мароқли ҳордиқ чиқарса, баъзилари қўшимча пул топиш учун мавсумий ишларда меҳнат қилишади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шундай ёшлар учун қатор вазирлик, ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда талабаларнинг ёзги таътил давомидаги бўш вақтларини фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда маҳаллалардаги вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш, уларни мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ҳамда маҳаллаларда «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳлари фаолиятини ташкил этмоқда.***

Жорий йилда ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 28 апрелдаги «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини янада кенгайтириш тўғрисида»ги мажлис баёнига кўра, Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар кенгашлари қошида «Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат гуруҳлари фаолиятини юқори савияда ташкил этиш бўйича тегишли ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

— Ёшлар меҳнат гуруҳларига кўнгилли тарзда жалб этилади, — дейди «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши бўлим мудири Шавкат Зайниддинов. — Улар меҳнат гуруҳига қўшилишидан олдин тиббий кўрикдан ўтказилади. Сўнгра иш жойи ҳақида маълумот берилади. Меҳнат тури ва шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда махсус кийимбош, бажараётган иш ҳажми ва кўламига қараб маош, шунингдек, турар жой ва иссиқ овқат билан таъминланади. Меҳнат гуруҳлари аъзолари учун меҳнат объектини танлашда хавфсизлик даражаси, талабалар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмаслиги, кўп жисмоний куч талаб этмаслиги каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади.

«Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига жалб этилган ёшлар, асосан, қурилиш ва таъмирлаш (касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари қурилиши, маданий ва спорт мажмуалари қурилиши, ёш оилалар учун уй-жойлар қурилиши, таъмирлаш ишлари), педагогика (ёзги оромгоҳларда тарбиячилик, туманларда давлат идоралари ва ташкилотлари ходимларига компьютердан фойдаланиш бўйича курслар ташкил этиш), ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш (маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, сайёҳлик, савдо ва бошқалар), қишлоқ хўжалиги (пахта парвариши, йиғим-терим ишлари) соҳаларида фаолият олиб боришади.

Айни кунда республикамизнинг барча ҳудудларидаги фуқаролар йиғинлари қошида вақтинча иш билан банд бўлмаган кўнгилли ёшлардан иборат «Бунёдкор» меҳнат гуруҳлари тузилиб, мавсумий ишларда меҳнат қилишмоқда.

Азиз тенгдошлар, сизда ҳам ёзги таътил вақтида фойдали иш билан шуғулланиш, қўшимча маблағ ишлаш истаги туғилган бўлса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман, шаҳар ва вилоят кенгашларига мурожаат этишингиз мумкин.

**Рустам ҚЎЧҚОРОВ**

## *Ёдда тутинг!*

▶ *Ёшлар меҳнат гуруҳларига 18 ёшга тўлган, жисмонан соғлом, меҳнат гуруҳида иштирок этиш учун ариза топширган кўнгилли ёшлар қабул қилинади.*

▶ *Ёшлар меҳнат гуруҳида иштирок этиш истагини билдирганлар тиббий кўрикдан ўтказилади. Уларга жалб этиладиган иш тури бўйича тушунчалар берилади.*

▶ *Ёшлар меҳнат гуруҳлари ёзги таътил даврида ёки вақтинчалик ишсизлиги даврида ишлаш истагини билдирган кўнгилли ёшлардан тузилиб, икки ойдан кам бўлмаган муддатдаги мавсумий ишларга жалб этилади.*

▶ *Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчи-талабалардан тузилган ёшлар меҳнат гуруҳлари ёзги таътил даврида фаолият олиб боради.*

▶ *Ёшлар меҳнат гуруҳлари аъзолари турар жой, иссиқ овқат ва махсус либос билан таъминланади, шунингдек, меҳнат фаолиятига халақит бермаган ҳолда улар билан мавсум давомида тизимли маънавий-маърифий, маданий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилади.*

▶ *Меҳнат гуруҳларига меҳнат давомидаги услубий кўрсатмалар, топшириқлар бериш, уларни меҳнатга тўғри йўналтириб бориш мақсадида иш берувчи томонидан соҳа мутахассиси (уста) ҳамда тиббиёт ходими бириктирилади.*

▶ *Ёшлар меҳнат гуруҳлари иш ҳақи тўланмайдиган ишларга жалб этилишига йўл қўйилмайди.*

▶ *Ҳар бир туман (шаҳар)-да битта намунавий ёшлар меҳнат гуруҳи ташкил этилади.*

# АУДИТОРИЯДА ЎРГАНИБ, АМАЛИЁТДА ТАЖРИБА ТЎПЛАШАДИ

***Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети Матбуот кафедраси, МТРК, «Маърифат» — «Учитель Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти ҳамкорлигида «Журналист кадрларни тайёрлашда маҳорат мактабларининг ўрни» мавзуида конференция бўлиб ўтди.***

Ахборот жараёнларининг глобаллашуви ва Ўзбекистон ОАВнинг глобал ахборот маконига шиддат билан интеграциялашаётган бир даврда журналист кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари олдига ахборот асри талабаларига жавоб бера оладиган, янги ахборот технологиялари ва чет тилларни мукаммал эгаллаган журналист кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилган. Шу маънода илм-фан ва амалиётни уйғунлаштиришда маҳорат мактабларининг ўрни беқиёс. Бугунги кунда ЎзМУ журналистика факультетининг амалиёт бўлими ва кафедралар саъй-ҳаракати билан ўн бешга яқин маҳорат мактаблари фаолияти йўлга қўйилган. Мазкур маҳорат мактаблари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, пойтахтимиздаги етакчи босма ОАВ, МТРК билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, уларда жами юз нафардан зиёд талаба ўз маҳоратларини оширмоқда.

Бўлажак журналистлар маҳоратини сайқаллашда етук устозлар сабоқ бериб келяпти. Натижада талабалар маълум газета ёки телерадиоканалда ижодий фаолият юритиш билан бирга келгусида иш билан ҳам таъминланмоқда.

Конференцияда мазкур маҳорат мактаблари ютуқлари, истиқболли режалари ёш журналистлар билан бевосита мулоқот тарзида муҳокама этилди. Тадбир доирасида маҳорат мактаби битирувчилари махсус сертификатлар билан тақдирланди.

**Алибек ОМОНТУРДИЕВ, «Turkiston» мухбири**

Ekologiya

# МУСТАҲКАМ ВА СОҒЛОМ ЭКОЛОГИК МУҲИТ ЯРАТАЙЛИК!

**Сайёрамизда иқлим исиб кетишининг асосий сабабларидан бири ис газларидир. Жорий йилнинг бошидан шу кунга қадар атмосферага ўн уч триллион тоннадан ортиқ зарарли газлар чиқарилган, қарийб икки миллион гектар ўрмон ҳудудлари йўқ қилинган. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун уч баробар кўп қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланилмоқда.**

Пойтахтимиздаги «Интернешнл Ташкент» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Экоҳафталик — 2014» тадбирининг очилиш маросимида инсониятни ташвишга солаётган ана шундай рақам ва далиллар ҳам келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур ҳафталик 5 июн — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни муносабати билан ташкил этилмоқда. БМТ бош ассамблеясининг Стокголмда қабул қилган резолюциясига мувофиқ, 1972 йилдан буён 5 июн сайёрамизда Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида нишонланади. Ушбу санага бағишланган навбатдаги экоҳафталикнинг очилиш маросимида Олий Мажлис Сенатининг аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Хамрабой Раззақов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихонов, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер ва ташкилотчилар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда экологик барқарорлик мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, юртдошларимиз ҳаёти ва саломатлиги учун қулай муҳит яратиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш, соҳанинг ҳуқуқий асоси ҳақида атрофлича сўз юритилди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича самарали лойиҳалар муҳокама этилди.

«Экоҳафталик — 2014» доирасида экологик йўналишларга оид қатор семинарлар, конференциялар, танловлар ва экологик акциялар ўтказиш, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган экологик тоза технологиялар ва қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган энг яхши тажрибаларнинг намойишига бағишланган медиа турларни ташкил этиш режалаштирилган.

— Бу йилги экоҳафталик тадбирларимизга кўпроқ ёшларни жалб этаяпмиз, — дейди Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ахборот хизмати мутахассиси Маъмура Толипова. — Чунки улар атроф-муҳит муҳофазасининг асосий иштирокчилари ҳисобланади. Шу боис, ёшлар иштирокида радио викториналар, танлов ва экологик акциялар ўтказилади. Шунингдек, «Экоҳафталик — 2014» дастурида Тошкент шаҳрида «Инсон, жамият, экология» деб номланган ёшлар конференцияси, «GM-Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонасига медиа ва пресс-сафарлар, Наманган вилоятида экология соҳасидаги таълим бўйича семинар-тренинг, Жиззах вилоятида табиий ресурсларни тежаш технологияларини ҳаётга татбиқ этувчи фермер хўжаликларига ташриф ҳамда Тошкент, Қарши ва Нукус шаҳарларида илмий-амалий конференциялар, миллий радиоканалларда энергия жиҳатдан самарадор бўлган технологиялар борасида бир қатор тадбирлар ташкиллаштирилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, экоҳафталик доирасида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлимлари томонидан вазирлик ва давлат муассасалари вакиллари, илм-фан ва санъат арбоблари иштирокида таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда ҳам турли учрашувлар, семинар ва конференциялар олиб борилади.

Экоҳафталикнинг очилиш маросимида юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари, чиқиндиларни тасарруф қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик лойиҳалар орқали эришилаётган ютуқлар ҳамда биологик хилма-хиллик муҳофазаси каби қатор йўналишларни акс эттирувчи кўргазма ҳам ташкил этилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

# Hududlardan mujdalar

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Боёвут енгил саноат касб-ҳунар коллежида битирувчилар бандлигини таъминлаш масаласида давра суҳбати ўтказилди.**

«Ҳоким ва ёшлар» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда туман ҳокими, ҳокимлик вакиллари, тижорат банкларининг туман филиаллари, савдо-саноат палатаси, бандликка кўмаклашиш маркази, молия бўлими, солиқ инспекцияси масъуллари, тадбиркорлар ҳамда коллеж директорлари иштирок этди. Унда мутахассислар коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини қандай бошлаш, юритиш, кредит олиш тартиби ва иқтисодий мавзуларда маълумот беришди.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

**Вилоятда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида футбол бўйича ўтказилаётган «Камолот» кубоги» мусобақасининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.**

Майдонга Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ғолибликни қўлга киритган энг сара жамоалар тушишди. Қизғин ва кўтаринки руҳда ўтказилган мусобақада ҳар бир жамоа ғолиблик учун астойдил кураш олиб борди. Ўйин якунларига кўра, биринчи ўринни мезбонлар шарафини ҳимоя қилган Жиззах туман маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси қўлга киритди. Иккинчи ўрин сирдарёлик ёшларга насиб этган бўлса, шоҳсупанинг учинчи поғонасидан Тошкент вилояти жамоаси жой эгаллади. Ғолибликни қўлга киритган жамоа мусобақанинг республика босқичида иштирок этадиган бўлди.

## БУХОРО ВИЛОЯТИ

**Когон шаҳрида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳаси ўтказилди.**

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилган ушбу лойиҳада Когон шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти фаоллари уйда таълим олувчи имконияти чекланган болалар ҳолидан хабар олиб, турли ўйинлар ўтказди. Бундай тадбирлар Ҳаракатнинг Когон шаҳар кенгаши томонидан мунтазам ўтказилмоқда.

# МАХСУС ҚУТИЛАР ВА РАСМЛАР ТАНЛОВИ



31 май — Бутунжаҳон тамаки чекишга қарши курашиш куни муносабати билан Урганч шаҳридаги деҳқон бозорида «Камолот»чи ёшлар иштирокида «Биз, ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шиори остида акция бўлиб ўтди. Лойиҳа «Камолот» ЁИҲ Хоразм вилояти кенгаши, Саломатлик ва тиббий статистика институтининг ҳудудий филиали ҳамда вилоят наркалогия диспансери ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кун давомида «Камолот» фаоллари тамаки чекиб кетаётган йўловчиларни бирма-бир тўхтатиб, унинг зарари ҳақида тушунтиришди ва тамакиларни бозор ҳудудида махсус ўрнатилган қутиларга ташлашга ундашди. Шундай қилиб, қутиларда икки юздан ортиқ тамаки қадоқлари тўпланди.

Ўз навбатида, саломатлик ва тиббий статистика институти ходимлари чекувчиларга чекишни тўхтатувчи дори препаратларини тарқатишди ва бу борада керакли тавсиялар беришди.

Акция доирасида болалар расмлари танлови ҳам ўтказилди. Унда Урганч шаҳридаги 24-мактаб ўқувчилари қатнашди.

**Шаҳло САФАШЕВА**

Sogʻlom turmush — baxtli turmush

# ҲАММАСИ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

***Инсон кунига ўртача йигирмата тамаки чекса, ҳар битта тамаки учун энг ками уч дақиқа вақт сарфлайди. Бу бир суткада бир соат, бир йилда эса 365 соат дегани, яъни йилига ўн-ўн беш кун фақат чекиш билан бесамар ўтади. Унга сарфланадиган пулни ҳисобланг... Энди ўзингиз бир ўйланг, тамаки тортиб, шунча қимматли вақтимиз, маблағимизни сарфлаймиз, соғлиқни йўқотамиз-у, нега ундан воз кечмаймиз?***

«Камолот» ЁИҲ жойларда «Ёшлар — чекишга қарши» лойиҳаси доирасида турли учрашув, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказмоқда. Мақсад — миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш учун зарур шароитлар яратиш, ёшлар соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдан иборат.

Шундай тадбирлардан бири Ҳаракатнинг Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ташкил этилди. Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари қатнашди.

Тадбир қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлди. Иштирокчилар чекишнинг зарари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мазкур лойиҳа бўйича туманларда «тенгдош-тенгдош»га услубида тарғибот ишларини олиб бориш лозимлиги алоҳида таъкидланди. «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз» видеоролиги йиғилганларга намойиш этилди.

— Инсон соғлиғи ўз қўлида, — дейди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Қашқадарё вилояти филиали бўлими мудири Гулноза Бердимуродова. — Агар чекмай, соғлом турмуш тарзида яшасак, ҳам ўзимизга, ҳам табиатга, ҳам жамиятга фойда келтирган бўламиз. Шу боис тамаки чексам, асабим тинчланади, деган хомхаёлларга ишонмай, ҳаммамиз саломат бўлайлик.

«Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши қошидаги «Ёш оила» маркази раҳбари Гуласал Ҳотамова ўз маърузасида вилоятнинг барча шаҳар, туманларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи махсус плакат, буклетлар тарқатилаётгани, ёшлар ташкилоти етакчилари тарғиботга жалб этилаётганини гапирди. Сўнг қўйилган масала бўйича фикрлар умумлаштирилиб, вазифалар белгиланди.

**Шавкат КАРОМОВ,**
**«Turkiston» мухбири**



# НАВҚИРОНЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА БИРДАМЛИК ТАНТАНАСИ

(Давоми, аввали 1-саҳифада)

Замонавий стадион, теннис кортлари ва сув ҳавзалари, спорт мажмуаларида ўтган ҳар бир мусобақа байрамона кечди. Албатта, спорт бўлгач, унда кимнингдир қўли баланд келади. Бироқ «Баркамол авлод» спорт ўйинлари шундай мусобақалар сирасига кирадики, унда авваламбор, меҳр-оқибат, дўстлик туйғулари ғолиб чиқади. Бир неча ой давом этган саралаш ҳамда миллионлаб спорт мухлисларини ўзига жалб этган финал босқичи беллашувларини кузатганлар эътибор берган бўлсалар керак: бу мусобақаларда ҳақиқий мард, танти спортчилар майдонга тушди. Ҳақиқий спорт тамойилларига амал қилиш фақат ғолиблик учун курашишгина эмас, чин ватанпарварлик намунасини кўрсатиш, ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлаш ҳам эканини Намангандаги беллашувларда қатнашган 996 нафар спортчи исботлаб берди.

## ОЛИМПИАДА ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Бу йилги мусобақаларнинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари кўп. Масалан, бу гал ёш спортчилар аввалгидек спортнинг ўн икки тури эмас, ўн олти тури бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди. Футбол, волейбол, баскетбол, ҳандбол, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, бокс, таэквондонинг WTF йўналиши, енгил атлетика, оғир атлетика, теннис, стол тенниси, шахмат, сузиш, бадиий гимнастика бўйича спорт ўйинлари Низомга мувофиқ Олимпиада талаблари асосида ўтди.

Иштирок этган 996 нафар спортчининг 342 нафари қизлар эканини назарда тутсак, бугун Ўзбекистонда баркамол авлод тарбиясига нечоғлик аҳамият қаратилаётгани англашилади. Хусусан, мазкур спорт ўйинларига қизларнинг кенг жалб этилганликлари қизлар ва аёллар саломатлиги, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун юртимизда кенг имкониятлар яратиб берилганининг ҳосиласидир.

Намангандаги беллашувларда спортчи ўсмир ва қизларга 224 нафар мураббий ҳамроҳлик қилди. 180 нафар ҳакам мусобақаларни одилона бошқариб борди, ўн беш нафар спорт федерациялари вакиллари иштирок этди.

## ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИК ТАНТАНАСИ

Уч босқичли узлуксиз спорт мусобақаларининг ўзига хос жиҳатларидан бири — улар фақат курашлардан иборат эмас. Уларда қатнашиш бахтига муяссар бўлган ёшлар ўзларининг жисмоний имкониятларини синовдан ўтказиш билан бирга, маданий ҳордиқ ҳам чиқарадилар. Улар учун истироҳат боғлари, театр ва кинотеатрлар, концерт заллари хизматда бўлади.

«Баркамол авлод — 2014» ҳам кўнгилочар дастурлардан холи бўлмади. Анъанага кўра, эл суйган санъаткорлар, кино ва театр намояндалари, шоир ва ёзувчилар ёш спортчилар билан учрашишди. Актёр ва хонандалар ўз санъатларидан баҳраманд қилишди. Жумладан, вилоят маркази ҳамда Наманган, Уйчи, Норин туманларида Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Гулсанам Мамазоитова меҳмон бўлиб, спортчи мухлисларини хушнуд этган бўлса, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ижросидаги куй-қўшиқлар ҳам ёшларга олам-олам завқ бағишлади.

«Баркамол авлод — 2014» қатнашчиларининг Намангандаги замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, диққатга сазовор жойларга саёҳатлари ҳам мазмунли кечди. Улар бу каби маданий тадбирлар воситасида сўлим водий табиати, кўрки, бугунги ҳаёти билан яқиндан танишдилар, наманганлик меҳмондўст юртдошларимиз билан суҳбатлашдилар, қолаверса, бу учрашувларда турли вилоятлардан келган ўсмир спортчилар бир-бирлари билан янада яқин дўстлик ришталарини боғладилар.



«Баркамол авлод» спорт ўйинлари ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, яна бир бор дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат тантанаси эканлиги такрор ўз исботини топди.

## ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Наманган шаҳридаги олтита объектда ташкил этилган беллашувларнинг бари қизғин кечди. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Футболни бежиз миллионлар суйган ўйин дейишмайди. Яқинда Бразилияда навбатдаги жаҳон чемпионати старт олади. Уни орзиқиб кутаётган мухлислар «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг футбол беллашувларини кузатиб, бир зум бўлсада, жаҳон чемпионати нафасини туйган бўлсалар, не ажаб!

Биринчи кун қашқадарёлик футболчилар Тошкент шаҳри жамоасига қарши майдонга тушди. Унда 2:1 ҳисобида пойтахтликлар зафар қучиб, ниятлари жиддий эканини исботлашди гўё. Иккинчи ўйин Тошкент вилояти ҳамда Сирдарё жамоалари ўртасида ўтиб, унда 0:1 ҳисоби қайд этилди. 2-турда Тошкент шаҳри вакиллари Тошкент вилояти жамоаси устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, қашқадарёликлар сирдарёликларни 2:1 ҳисобида енгди. Ҳал қилувчи учинчи турда пойтахтликлар яна ўзларини кўрсатишди. Улар сирдарёлик тенгдошлари дарвозасига тўртта тўп киритишди. Бунга жавобан Сирдарё вилояти вакиллари битта гол уришди, холос. Қашқадарё ва Тошкент вилояти жамоалари ўртасидаги сўнгги учрашувда эса голсиз дуранг қайд этилди. Натижада барча рақибларини енгган Тошкент шаҳри жамоаси спорт ўйинларининг олтин медалларига сазовор бўлди. Қашқадарёлик футболчилар кумуш, сирдарёликлар бронза медал эгасига айланди.

Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўтган волейбол баҳслари ҳам мухлисларга ажойиб натижаларни туҳфа қилди. Унда мезбонларнинг қўли баланд келди. Наманган вилоятининг ҳам қизлар, ҳам ўсмирлар жамоаси барча ўйинда ғалаба қозониб, олтин медалларни қўлга киритди.

Ҳандбол мусобақаларида эса ўсмирлар ўртасида Наманган, қизлар ўртасида Андижон вилоятлари терма жамоалари чемпион бўлди. Ўсмирлар ўртасида самарқандлик ва андижонлик қўл тўпи усталари кумуш ва бронза медалларга эга чиққан бўлса, қашқадарёлик ва наманганлик ҳандболчи қизлар шундай натижага эришишди.

Бокс бўйича Бухоро, Тошкент, Фарғона, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакилларига чемпионлик насиб этди.

49 килограмм вазн тоифасидаги спортчилар баҳсида бухоролик Мироншоҳ Иброҳимов биринчи ўринни эгаллади. Кумуш медал Тошкент вилояти вакили Бексултон Раушанов, бронза медаллар Қорақалпоғистон Республикасидан Равшанбек Аминов ҳамда Самарқанддан Шаҳзод Пирмаҳматовга насиб этди.

52 килограмм вазн тоифасидаги боксчилар орасида Тошкент вилояти вакили Бекзодбек Турсунбоев олтин, бухоролик Достон Нарзиев кумуш, наманганлик Ҳусниддин Маҳмудов ва қорақалпоғистонлик Науриз Ниёзбеков бронза медалларни қўлга киритди.

56, 60, 64, 69 ва 75 килограмм вазн тоифаларидаги боксчилар ўртасидаги мусобақалар ҳам қизғин ўтди. 56 килограммда Бобурмирзо Толибов (Фарғона), 60 килограммда Зиёйиддин Тоҳиров (Андижон), 64 килограммда Жасур Аҳмаджонов (Тошкент шаҳри), 69 килограммда Маҳмуд Ғойипов (Тошкент вилояти) ва 75 килограммда Бектемир Меликўзиевларга (Фарғона вилояти) чемпионлик насиб этган бўлса, мазкур вазн тоифаларида, шунингдек, Анвар Рўзиқулов, Ҳажмухан Ешембетов, Жалол Саидмуродов, Шоҳрух Аҳадов, Бекзод Аллаёров, Нодир Насруллаев, Фазлиддин Мелибоев, Шаҳрамжон Ёдгоров, Сирожиддин Шодилжонов, Суннатилла Баҳодиров, Асқаржон Авазов, Шакарбой Худойқулов, Мурод Холматов, Дониёр Сафарбоев ва Жаҳонгир Турсунбоев каби боксчилар ҳам «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди.

Қисқа қилиб айтганда, мусобақалар дастуридан ўрин олган ҳар бир учрашув ва ўйин томошабинлар эътиборини тортди.







## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

31 май куни Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мусобақалари муносабати билан янгича қиёфа касб этган «Навбаҳор» марказий стадионида ёшлик, дўстлик, бирдамлик байрами саналмиш мазкур спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларида энг кўп медаллар шодасига эга бўлиб, ўз иқтидор ва имкониятларини яхши намоён эта олган Тошкент шаҳри жамоаси вакилларига мусобақаларнинг бош совриниҳ — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси — «Дамас» автомобили тақдим этилди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Наманган вилояти жамоаси ҳам «Дамас» автомобили билан тақдирланган бўлса, учинчи ўрин соҳиби бўлган Самарқанд вилояти жамоаси ҳам Президент совғаси — «Дамас» автомобилига эга бўлди.

— Наманган шаҳрига биринчи марта келган бўлсам ҳам, ўзимни худди ўз она шаҳримда юргандай ҳис қилдим, — дейди «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари совриндори, Самарқанд вилояти жамоаси аъзоси Мафтуна Шамсиева. — Бу менинг мусобақаларда муваффақиятли қатнашишимга ёрдам берди. Бадиий гимнастика бўйича учта бронза медални қўлга киритдим. «Баркамол авлод» спорт ўйинлари фақат ғолиб бўлганим учун эмас, Наманган шаҳрининг гўзаллиги билан ҳам бир умр хотирамда қолади.

— «Баркамол авлод — 2014» мусобақаларида таэквондонинг даблю-те-эф (WTF) йўналиши бўйича олтин медалга сазовор бўлдим, қувончим чексиз, — дейди Фарғона вилояти жамоаси аъзоси Зуҳрахон Ҳомидова. — Келгусида Универсиада мусобақасида ҳам қатнашиб, шундай натижага эришишни кўнглимга тугиб қўйдим. Насиб қилса, ёзги Олимпиада ўйинлари ва Осиё, жаҳон чемпионатларида ҳам иштирок этиб, юртимиз байроғини баланд кўтаришни истайман.

Бокс бўйича «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари ғолиби, бухоролик Мироншоҳ Иброҳимов ҳаяжонини шундай ифода этади:

— Мусобақалар жуда яхши ташкил этилган, шароитларга гап йўқ. Биз, спортчи ёшлар, бунга жавобан мухлисларни ва мураббийларимизни хурсанд қилишга ҳаракат қилдик. Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон бокс федерацияси раҳбарлари, жаҳон чемпиони бўлган таниқли спортчиларнинг иштирок этиб, қутлаганидан бошимиз осмонга етди. Эндиги мақсадим Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаб, жаҳон рингларида ҳам муваффақият қозонишдир. Менинг келгуси ютуқларимга «Баркамол авлод» спорт ўйинларида тўплаган тажрибам пойдевор вазифасини ўташига ишонаман.

Мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган ёшлар, унда фаол қатнашган йигит-қизлар, спорт мажмуалари ва стадионларга келиб ўйинларни бевосита кузатган мухлислар, телеэкран қаршисида ҳаяжон билан ўтириб кузатган телетомошабинлар, мусобақаларнинг чиройли, тартибли ўтишини таъминлаган мутасаддилар, меҳмондўстликни ўрнига қўйган Наманган вилояти аҳли, ташкилотчилар, хизматчилар — барча-барчанинг юрагида қувонч ва ҳаяжон. «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг ажойиб ўтишида уларнинг ҳиссаси катта.

«Баркамол авлод — 2014» ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими байрамона чиқишлар, машҳур санъаткорлар иштирокидаги концерт билан якунланди. Ёшлик, камолот ва спорт байрами — «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг навбатдагиси Жиззах вилоятида ўтказилиши маълум қилинди.

«Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

**Элмурод НИШОНОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

## «БАРКАМОЛ АВЛОД» ТААССУРОТЛАРИ

**Акмал Болтаев,**
**волейбол бўйича олий тоифали ҳакам:**

— «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларида ҳакамлик қилиб келаяпман. Ҳар гал ушбу мусобақаларда иштирок этганимда ўзимни бир ёшга яшаргандай ҳис қиламан. Улардаги ёшликка хос жўшқин, қувноқ кайфият йил бўйи кўнгилни тарк этмайди.

Наманганда бўлиб ўтган бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ҳам ўзига хос ўтди. Наманганлик меҳмондўст юртдошларимиз спорт байрамига алоҳида тайёргарлик кўришган экан. Буни шаҳарга ташриф буюрган устоз-мураббийлар, спортчи-ўқувчилар ва бошқа барча иштирокчилар учун яратиб берилган шароитлардан ҳам кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда, «Баркамол авлод — 2014» ҳамманинг юрагида қоладиган спорт фестивали бўлди.

**Марям Раҳимова,**
**Хоразм вилояти Хонқа туманидаги**
**20-мактабнинг 4-синф ўқувчиси:**

— Ёшим ўнда. Иккинчи синфдан мактабимизда ташкил этилган каратэ клубига аъзоман. Ютуқларга эришиб келаяпман. Ўзбекистон чемпионатида биринчи ва учинчи ўринларни қўлга киритганман. Устозим Алишер Қурбонов машғулотларни қолдирмасдан қатнашаётганимни, жиддий шуғулланаётганимни кўриб менга катта ишонч билдирмоқдалар. Бу менга янаям куч бағишлайди.

Наманган шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларини телевизорда кўриб, қанийди, мен ҳам мана шундай нуфузли мусобақаларда қатнашсам, деган истак кўнглимда пайдо бўлди. Спорт ўйинлари қатнашчилари бўлмиш ака-опаларимизга Президентимиз табрик йўлладилар. Бу Юртбошимизнинг биз, ёшларга бўлган катта ишончи ва умидидан дарак беради. Бундай ишончга, рағбатга муносиб бўлиш учун мен ҳам катта ғалабаларга эришиб, келгусида халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, байроғимизни баланд кўтаришни хоҳлайман.

**Убайдулла Исмоилов,**
**Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги**
**«Санъат — Санжар — Талъат»**
**фермер хўжалиги раҳбари:**

— Наманган шаҳрида бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларини томоша қилиб, ёшлигим эсимга тушди. Фермер бўлсам ҳам, спортнинг ашаддий мухлислариданман. Бу менга болалигимдан теккан «касаллик». Спортга, айниқса, футбол ва волейболга меҳрим баланд эди. Лекин у пайтларда ҳозиргидай шароитлар қаёқда дейсиз! Битта коптоқ топиш ҳам мушкул эди. Ҳозир-чи, ўҳ-ҳў, фарзандларимиз биз тасаввур қилмаган шароитларда ўзлари истаган спорт тури билан шуғулланмоқда. Биз ҳар қанча қизиқишимиз ва иқтидоримиз бўлса ҳам, тумандан нарига ўтишимиз қийин эди. Бугун қишлоқ болалари ҳам ўз истеъдодини жаҳон майдонларида кўрсатиш имконига эга.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларини қолдирмай томоша қилдим. Менга, айниқса, Наманган ва Андижон вилоятлари волейболчи ёшларининг ҳаракатлари жуда маъқул келди. Ўғил болалариям, қиз болалариям. Ҳаваскор, ҳали спортга энди кириб келган бўлсалар ҳам, иқтидорлари шундоқ кўриниб турибди. Профессионалларникидан асло қолишмайди.

Агар имконият бўлганида, мен ҳам «Баркамол авлод» ўйинларида қатнашган бўлар эдим! Бу йил эллик ёшга тўлдим, аммо ёш спортчиларларимизнинг майдондаги ғайрат-шижоатини кўрсам, ўзимни ўн етти яшар ўспириндай ҳис этаман. Уларга қўшилиб майдонга тушиб кетгим келаверади. «Баркамол авлод» биз, оддий спорт мухлисларига ҳам ана шундай завқ-шавқ улашади.



*Yoshlar festivallari davom etadi*

# ОЗОД ВА ОБОД ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ

## *Навоий вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида навбатдаги ёшлар фестивали бўлиб ўтди*

Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари бир зумда Қизилқум чўлларию Сармишсой дараларигача етиб борди. Бу ёшлар фестивалининг ўзига хос белгиси. Бу хушхабардан тезда воқиф бўлган ёшлар бир зумда аэропорт ва темирйўл вокзалида шай бўлиб, меҳмонларни қарши олишди. Ҳавас қилиб юрган санъаткору спортчиларига, шоиру ёзувчиларига гул тутиб, нон улашди.





«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ўтаётган ёшлар фестивали ана шундай кутилмаган учрашувлари билан тенгдошларимизда катта қизиқиш уйғотяпти. Бир-биридан қизиқарли ва фойдали лойиҳалари, ижтимоий акциялари ҳамда спорт мусобақалари эса ёшлар хотирасида унутилмас онларни муҳрламоқда. Қалбида ғайрат ва шижоат жўш уриб турган, ташаббускор ёшларни бирдамликка, ҳамжиҳатликка чорламоқда. Шу Ватанга муносиб авлод бўлишга ундамоқда. Шунингдек, ёшлар фестивалида иқтидорли ва ижодкор ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, эришаётган ютуқларини рағбатлантириш, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар мужассам.

Уч кун байрам оғушида бўлган Навоий вилоятининг ҳар бир ҳудудида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ёш олимлар, таниқли маданият ва санъат намояндалари, кино ва театр актёрларидан иборат тарғибот гуруҳлари билан ёшлар учрашувлари, давра суҳбатлари ташкил этилди. «Депутат ва ёшлар» лойиҳасида қатнашган тенгдошларимиз амалдаги қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятидан хабардор бўлиб, сиёсий жараёнларда нечоғлик фаол эканликларини кўрсатишди. Ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди. Фестивалнинг мазкур лойиҳаси йигит-қизларнинг сиёсий саводхонлигини оширишга, мустақил фикрига эга бўлишга кўмаклашмоқда. Аслида, Ватан тараққиёти, тинчлиги, халқ фаровонлиги ёшларнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббускорлик ва фидойилигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ёшлар фестивали доирасида барча шаҳар ва туманларда «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти», «Депутат ва ёшлар», «Президент асарлари билимдони», «Ҳоким ва ёшлар», «Камолот» билимдони», «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!», «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!», «Виждонли сотувчи», «Футбол-шоу» лойиҳалари ташкил этилди.

### САНЪАТКОРЛАР ЁШЛАР ДАВРАСИДА

Санъат орқали инсон қалбига энг тоза туйғуларни жо айлаш мумкин. Конимех туманидаги 4-мусиқа ва санъат мактабида эл суйган санъаткорлар, эстрада юлдузлари ҳамда кино ва театр актёрлари иштирокида бўлиб ўтган учрашув ҳам самимий мулоқот тарзида кечди, дилга яқин куйқўшиқлар янгради.

— Бугун телевизорда кўриб ҳавас қилган хушовоз хонанда ва актёрлар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашиб турибман. Мен учун бу ҳам бир бахт. Улар биз, ёшларга ўрнак бўладиган ҳаёт йўллари ҳақида гапириб, санъатнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликларини айтиб ўтишди. Қийинчиликларни енгиб ўтиш учун фақат ўқиб-изланишимиз кераклигини тушунтиришди. Ушбу фестивал кўплаб дўстлар орттириш, устозлар ижоди билан яқиндан танишиш имконини бермоқда, — дейди Конимех туманидаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Дурдона Алимова.

Фестивал Конимех тумани ҳокимлигида «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» тарғибот лойиҳаси билан давом эттирилди.

### ТАРҒИБОТЧИЛАР КОРХОНА ИШЧИЛАРИ БИЛАН

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали қадимий ва ҳамиша навқирон Кармана туманида ҳам ўзгача шукуҳ билан нишонланди. Дастлаб, пойтахтдан ташриф буюрган тарғиботчилар гуруҳи Кармана педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўқувчи-ёшлар билан учрашди. Бундан бир олам завқ олган ёшларнинг кўнгли осмон қадар юксалди. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонасида ташкил этилган учрашувда ҳам бугунги кунга шукроналик, ёшларнинг ишлаши ва ўз иқтидорини намоён этиши учун яратилган қулайликлар хусусида сўз юритилди.

Ёшлар қувончи чексиз, жаннатмакон диёр фарзанди эканлигидан бахтиёр. Ана шундай шодлик эса уларни юксак марраларга чорлайди.

— Тўғриси, ёшларнинг фаоллигини, ташаббускорлигини кўриб, уларга ҳавасим келди. Айрим ҳолларда улардан ўрганадиган жиҳатларимиз ҳам борлигини англаб етдик.




Уларнинг юз-кўзларида қувонч, эртанги кунга ишонч балқимоқда. Ёшлар орасида иқтидорли ва истеъдодлилари кўп. Қувонарлиси, фестивал доирасида кўпгина истеъдодли ёшлар кашф этиляпти, — дейди актриса Севара Солиева.

### «КАМОЛОТ» КУТУБХОНАСИДАН ЭСДАЛИК КИТОБ

Навбаҳор туманидаги 37-махсус мактаб-интернатда санъаткорлар иштирокида бўлиб ўтган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги учрашув имконияти чекланган ўғил-қизларга бир олам завқ бағишлади. Учрашувда фаол қатнашган ўқувчиларга «Камолот» кутубхонасининг ажойиб ва қизиқарли китоблари топширилди.

Фестивал доирасида энг фаол ва ташаббускор ҳамда бир қатор ютуқларга эришган навбаҳорлик ёшлар «Камолот» ЁИҲ ва туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, тумандаги марказий стадионда фестивал меҳмонлари ва туманнинг фаол ва иқтидорли ёшлари иштирокида футбол-шоу ҳамда гала-концерт ташкил этилди. Футбол-шоу мусобақасида Навбаҳор ва Нурота туманлари ёшларидан иборат «Камолот» жамоалари майдонга тушди.

### ХАТИРЧИДА ЁШЛИК НАВОЛАРИ

Ёшлар фестивали Хатирчи туманидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам кенг нишонланди. Унда депутатлар, тадбиркорлар, ёш олим ва мутахассислар, таниқли шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада юлдузлари, рассомлар, спортчилар иштирок этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиева ҳамда бир қатор хушовоз хонандалар, эстрада гуруҳлари ижросида янграган қўшиқлар ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини жо қилиб, мақсадлари йўлида янада олға интилишларига туртки бўлди. «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси ҳам таассуротларга бой тарзда ўтди.

— Мамлакатимизда биз, ёшлар учун яратилган имкониятлар биздан фақат изланиш ва интилишни талаб этади. Айниқса, тенгдошларимизни эзгу ғоя атрофида бирлаштириш мақсадида ташкил этилаётган бундай фестиваллар янги истеъдод эгаларини кашф этмоқда. Мен ҳам ушбу фестивал иштирокчиси эканлигимдан бахтиёрман, — дейди Зарнигор Раҳматова.

Уч кун давом этган фестивал вилоятнинг барча ҳудудларида катта тадорик билан ўтказилди. Айниқса, вилоят марказидан анча олис ҳудудлар — Томди ва Учқудуқ туманларию Зарафшон шаҳрида ҳам фестивал ёшлар байрамига айланиб кетди. Йигит-қизларни бир даврага жамлаган тадбир доирасида бўлиб ўтган турли лойиҳалар, тенгдошларимиз қалбида бир умрга муҳрланиб қолган бўлса, ажабмас. Фестивалга пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, актёрлар, актрисалар ва шоирларнинг ҳам ёшлардаги шижоат ва ғайратни кўриб, ҳайратлари ошди.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали навоийлик ёшларни янада жипслаштиргани билан ҳам аҳамиятлидир. Навқирон авлод вакилларини фаолликка чорлаш, ижобий ютуқларни кўлга киритган ёшларни рағбатлантириш, қолаверса, уларнинг қалбида Ватанга бўлган садоқат туйғусини сайқал топтириш мақсадини ўзида мужассам этган мазкур фестивалнинг якуний қисми Навоий шаҳридаги «Ёшлар» спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ ёшлар вилоят ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Мазмунли фикрлар, чиройли табриклар, унутилмас ва шўх, дилбар наволарга уланиб кетган гала-концерт ёшлар хотирасида бир умрга унутилмас бўлиб муҳрланди.

Фестивал ёшлар учун ҳақиқий байрам тусини олар экан, улар шундай озод ва обод юртнинг келажаги эканлигидан бахтиёр эканлигини алоҳида таъкидлашди.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**Дилкушо НАВРЎЗОВА,**
**Навоий вилояти**

Kasb-hunar kollejlarida

# 58 НАФАР БИТИРУВЧИ ТАДБИРКОР БЎЛМОҚЧИ

*Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда касб-ҳунар коллежларида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг ўрни катта. Ўқувчилардаги қизиқиш ва фаолликни ошириш, албатта, ўқув даргоҳидаги жараённинг изчил ва мазмунли ташкил этилишига боғлиқ. Биз буни Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бўлганимизда яққол ҳис этдик.*



Коллежда яратилган тўлақонли шарт-шароитлар, йигирмадан ортиқ фан ва спорт тўгаракларининг мунтазам ишлаб турганлиги, қолаверса, маъмуриятнинг маҳалла, оила ва тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги ютуқлар омили бўлмоқда. Ўқувчиларни дарсларга тўлиқ жалб этиш, иқтидорли болаларни рағбатлантириш, улардаги ташаббускорлик хислатларини янада ошириш асосий диққат марказида турибди. Шунинг учун бўлса керак, коллежда иқтидорли, изланувчан ўқувчиларга алоҳида эътибор билан қаралади.

Албатта, иқтидорли ўқувчилар иштирокида ўтказилаётган хилма-хил тадбирлар, кўрик-танловлар коллеж нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, яқинда коллеж жамоаси «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг Республика финал босқичида иштирок этиб, кўпчилик назарига тушди. Худди шунингдек, коллеж жамоаси «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичида фаол қатнашди. «Юксак маънавиятли авлод» кўрик-танловининг вилоят босқичида турли йўналишлар бўйича уч нафар ўқувчи ғолибликни қўлга киритиб, Республика босқичига йўлланма олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, изланувчан ва қобилиятли ўқувчи ҳеч қачон назардан четда қолмайди.

Адҳам Абдураззоқов ана шундай иқболи баланд ёшлардан. У яқинда «Менинг бизнес ғоям» кўрик-танловининг Республика босқичида қатнашиб, иккинчи ўрин соҳибига айланди. Ёш битирувчи мутахассис Адҳам Абдураззоқов тадбиркор бўлиш учун астойдил енг шимарган. У банкдан ўн миллион сўм имтиёзли кредит олиб лимонария барпо этишни ният қилган.

— Ушбу ўқув йилида коллежимизни 452 нафар ўқувчи тамомлайди, — дейди биз билан суҳбатда коллеж раҳбари Ал-Фаробий Ҳусанов. — Аммо биз асосий эътиборни битирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга қаратдик. Қолаверса, эллик саккиз нафар битирувчи йигит-қизимиз тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган. Улар ҳозирданоқ ўз бизнес-режаларини тузиб, банкдан имтиёзли кредит олиш тадоригини кўришяпти.

Дарҳақиқат, ёшларнинг касб эгаллашлари, тадбиркорлик фаолияти билан изчил шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Фақатгина қалбларда жўш урган иштиёқ ва интилиш сўнмаса, бас.

**Ашурали БОЙМУРОД,**
**«Turkiston» мухбири**

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Урганч шаҳрининг марказий майдонида биринчи маротаба тут сайли ўтказилди. Унда маҳаллаларда истиқомат қилувчи саксон нафарга яқин уюшмаган ёш ҳамда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари бир-биридан ширин тутлар билан йиғилганларни меҳмон қилишди.*

Eshitdingizmi?!



# ХОРАЗМДА ТУТ САЙЛИ

— Сайилни ёши улуғ қарияларнинг маслаҳати билан ташкил этдик, — дейди «Камолот» ЁИҲ Урганч шаҳар кенгаши раиси Фозил Болтаев. — Мазкур лойиҳа аҳолининг тиббий ва экологик маданиятини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман. Тадбирда, асосан, ёшлар қатнашди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари тутнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида гапириб беришди. Шахсан ўзим кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдим. Тутнинг ўн олти тури бор. Бу мева В, С, Е, К витаминлари, калий, натрий, рух, селен, фосфор, кальций, темир, магний моддаларига бой. Унинг майизи, айниқса, фойдалидир. Шамоллашга қарши жуда яхши дармондори ҳисобланади.

Сайилда Урганч шаҳри ҳокими О.Сапаев иштирок этди. Тадбирда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари сўз олишди. Жумладан, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Б.Бобожонов ёшларни шаҳардаги тут дарахтларининг кесилишига йўл қўймаслик ва уларни кўпайтириш ишларига бош қўшишга чорлади.

Тадбир сўнгида фаол ёшлар бир қанча номинациялар бўйича ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Камола ҲОТАМОВА**




## Йўқчилик сабаб бўлди

Камбожада етти нафар фуқаро бўш қудуқдан уч минг риел (тахминан 2 минг сўм) пулни олиб чиқишга уриниб, нафас етишмаслиги оқибатида ҳалок бўлди.

Воқеа мамлакатнинг Сиемреап вилоятида содир бўлган. Пуллар суви қуриб қолган қудуққа тушиб кетганидан сўнг етти киши пулни олиб чиқиш учун унинг тубига тушган. Улар орасида уч нафар ўсмир ҳам бўлган. Полициянинг маълум қилишича, беш метрли қудуқ тубида кислород танқис. Ҳалок бўлган ўсмирлар оиласида бу пул катта бойлик ҳисобланар экан.

## «Рассомлик» панд берди

Хитойдан Жанубий Кореяга келган ёш оила ўзининг тўрт ёшли ўғлини деб юртига қайтиб кета олмади.

Маълум бўлишича, саёҳат ўз якунига етгач, Корея аэропорти ходимлари болакайнинг отасига самолётда учишга рухсат беришмади. Аникроғи, бола отасининг паспортига турли расмлар чизиб, ундаги суратни таниб бўлмас ҳолатга келтирган эди. Қора қаламда бўялган паспортда болакай отасининг расмига мўйлов, соқол, узун соч ва қора кўзойнак чизган. Натижада паспорт ҳақиқий эмас деб топилди. Хитойлик киши ижтимоий тармоқлар орқали ўз танишларидан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Жанубий Корея ҳукумати ёш оила яна қанча муддат меҳмон бўлишига аниқлик киритмаган.

## Фил ҳам «айфон»ни тушунади

Англиянинг Вустершир графлигидаги паркда фил кимдир тушириб қолдирган iPhone'дан фойдаланиб, ўзини суратга олди.

Ҳайвонот боғига ташриф буюрганлардан бири Скотт Брайерли тартиб-қоидани бузиб машинада ўтириб ҳайвонларни суратга олаётган вақтида телефонини тушириб қўйган. Орадан вақт ўтиб, унга телефонини топиб беришган. Телефонни ёқиб, фойдаланувчи филнинг «селфи»сини кўрган. Кейинчалик Латаби лақабли фил хартуми билан экранга тегиб кетиб, тасодифан ўзини суратга олгани маълум бўлди. Латаби бирйўла иккита «селфи» тушириб, эҳтимол, дунёдаги илк фил «селфи»си муаллифига айланди. Назоратчилардан бирининг айтишича, боғда кўпчилик телефонини тушириб қўяди, бироқ аввал бундай ҳодиса кузатилмаган.

## Лэмпард «Челси»ни тарк этди

Англия терма жамоаси ва «Челси» клуби ярим ҳимоячиси Фрэнк Лэмпард амалдаги клуби билан хайрлашганини маълум қилди.

— Ўн уч йил олдин мазкур клубга келганимда, бундай кўп учрашув ўтказишни ва бу даражада муваффақиятларга эришишимни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Бу клуб ҳаётимнинг бир бўлагига айланди, бунинг учун кўпчиликдан миннатдорман. Тажрибам ошишига ёрдам берган барча мураббийларимга раҳмат. Бирга тўп сурган ва шу вақтгача бирга бўлган жамоадошларимга ҳам ташаккур. Жаҳондаги энг яхши мухлисларимизга ҳам раҳмат. Сиз мени нафақат майдонда, балки қийин дамларимда ҳам қўллаб-қувватладингиз. Олдинда мени нима кутиб турганидан қатъий назар, «Челси» доимо менинг юрагимда бўлади, — дейди Лэмпард.

Футболчи режаларини ошкор этишни истамади.

**Интернет манбалари асосида**
**Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

*Reklama oʻrnida*

# ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ





*Табиатнинг ўзи шифокор. Сурхон воҳасида шундай шифобахш масканлар борки, улар инсон саломатлигини тиклаш учун хизмат қилади. Воҳа ана шундай табиий масканларга бой. Бойсун туманидаги «Омонхона», «Олча булоқ», «Оқ булоқ» ёки «Хўжаипок», «Сангардак» ва бошқа бир қатор сиҳатгоҳлар ана шундай масканлардан. Вилоятда яна бир даргоҳ борки, бу ерда беморлар, табиий йўл орқали (туз конида ташкил этилган хоналарда) ўз саломатликларини яхшилайди.*



Шеробод туманидаги «Хўжаикон» туз кони туман марказидан олтмиш километр узоқликда, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган. Иқлими қуруқ. Ғор узунлиги 160 метр. Унинг ичида бешта махсус даволаш хонаси мавжуд бўлиб, хоналар бу ерга келувчи беморларнинг касаллик турига ихтисослашган. Туз конининг ичига кирар экансиз, шифт ва деворлардаги қалин туз қопламаларига дуч келасиз. Энг асосийси, бу ерда беморлар табиий усулда (шифобахш ҳаво орқали) даволанади.

— Биринчи хонамизда юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморлар, хафақон касаллигининг биринчи, иккинчи босқичлари, бронхиал астма ҳамда бронхит касалликлари билан оғриганлар (икки соат давомида ҳаво йўли орқали) даволанади, — дейди биз билан суҳбатда санатория бош врачи Ҳайит Менглиев.

— Бу ерга кирган одамнинг нафас олиши енгиллашади. Туз таркибидаги бром, йод ионлари бемор нафас йўли орқали бевосита ўпкага тушади ва қонга сўрилади, натижада бемор саломатлигининг яхшиланиши кузатилади, — дейишди сиҳатгоҳ шифокорлари.

Бундан ташқари, туз конида шифобахш табиий булоқ суви мавжуд бўлиб, таркибининг 97 фоизини натрий хлор, қолганини бошқа микроэлементлар ташкил этади. Булоқ суви парадантоз, стоматит, сурункали тонзиллит, фарингит ва бошқа бир қатор касалликларни даволашда қўлланилади.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**«Turkiston» мухбири**




Тузувчи: Фахриддин Раҳимов




Барно Ҳасанова Республика рассомлик коллежининг 2-курс ўқувчиси. Тенгдошингиз саҳна безаги бўлимида таълим олишига қарамай, рангтасвир йўналишида ҳам ижод қилмоқда. У ҳар бир асарида юртимиз табиатининг мафтункорлиги, бой ва сержило манзарасини маҳорат билан акс эттиришга ҳаракат қилади.

**Рустам НАЗАРМАТОВ фотолавҳаси**

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ»

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув ***2014 йилнинг 5 июн*** куни «Камолот» ЁИҲ Навоий вилояти кенгаши раиси **Козим Тожиев** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни **savol@turkiston.uz** электрон манзили ёки *(+99871) 233-79-69* телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намоён этишга шошилинг.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

**Кўпчилик актёрларимиз ижро этган образлари орқали элга танилган.**

**Масалан, Ўзбекистон халқ артистлари Обид Юнусов — «Ўткурий», Теша Мўминов — «Йўлчи», Ёдгор Саъдиев — «Асадбек»... Энди айтинг-чи, севимли комик актёримиз Соиб Хўжаевни театрда машҳур қилган образи қайси?**

Жавобингизни **6 июн** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига қўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

**Ўтган сондаги саволнинг жавоби:**
***Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси.***

*Тўғри жавобни биринчи бўлиб Жиззах вилоятидан Жўмард Ахбўтаев йўллади.*

**YONDAFTARCHANGIZGA**

Виждон олижаноб инсоннинг одил ҳакамидир.

**Арасту**

Turkiston

**МУАССИС:**
**«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998

**Бош муҳаррир ўринбосари:**
**Шукуров Меҳриддин Эшқобилович**

**Таҳрир ҳайъати:**
Баҳодир Ғаниев, Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

**Навбатчи муҳаррир:**
Бегниязова Қумар Алламбергеновна

**Саҳифаловчи:**
Рўзиев Зафар Ҳусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**Таҳририят манзили:** 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
**e-mail: info@turkiston.uz**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: **«Буюк Турон» кўчаси, 41**.

Индекслар: **203, 3203**
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-657.
Адади — 11799

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.45
ЎзА якуни — 21.40

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5